

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди Янгиҳаёт туман “Навқирон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очиқ сайёр суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ярашев, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи А.Юсупов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксинбаев ҳамда жабрланувчи Л.Хамроеваларнинг иштирокида,

1990 йил 21 январь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2013 йил 16 январдаги ажримига кўра, унга оид Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 05 декабрдаги “...амнияти тўғрисида” ги қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2014 йил 08 январдаги ажримига кўра Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банрди, 168-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “...амнияти тўғрисида” ги қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2015 йил 04 мартдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2015 йил 12 март кунидаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан Жиноят кодекси тартибида 4 йил 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

5) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2015 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди. 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг



“а” банди, 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Жиноят кодекси 59,59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2017 йил 22 декабрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 4 йил 1 ой 18 кунлик жазо Жиноят кодекси 74-моддасига асосан шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2018 йил 11 сентябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 4 йил 1 ой 18 кунлик жазо Жиноят кодекси 46-моддаси тартибида шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2018 йил 11 сентябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 3 йил 11 ой 27 кунлик жазо Жиноят кодекси 74-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 19 октябрдаги ажримига кўра ўталмаган 1 йил 11 ой 20 кунлик жазони ўташдан Жиноят кодекси 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Рахим Бобоев кўчаси, Қуйи Дархон маҳалла фуқаролар йиғини, 44-уй, 13-хонада яшовчи, иш бўйича унга нисбатан 2023 йил 19 апрель куни “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган Юсупов Абдулла Хабибуллаевич (*Yusupov Abdulla Habibullayevich*)ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан айбланиш ҳақидаги 1-1006-2302/627-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши кўрсатилган.



Судланувчи А.Юсупов хавфли редивист бўлгани ҳолда яна шу турдаги жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил февраль ойида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 94-уйда жойлашган “Абу Тойиба” соғломлаштириш марказига мижоз сифатида келиб, ўша ерда ишловчи Л.Хамраевага ўзини қурилишда ишлашини айтиб, ишонтириб, ўзини “Тимур” деб таништириб, унга бошланғич тўловсиз ипотека кредити асосида уй беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, кредитни расмийлаштириш учун 4.350.000 сўм миқдоридagi пулларни олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи А.Юсупов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 94-уйда жойлашган “Абу Тойиба” соғломлаштириш марказига мижоз сифатида бориб туришини, 2023 йил февраль ойида ушбу марказга мижоз сифатида бориб, шу ерда ишловчи Л.Хамраева билан танишгани, Л.Хамраевани ижара асосида яшаётгани ва уй-жойга эҳтиёжи борлигини билиб, унга ўзини “Тимур” деб таништириб, қурилиш ташкилотини ишлаши хусусида айтгани, унга бошланғич тўловсиз ипотека кредити асосида уй беришни айтиб, 3 маротаба жами 4.350.000 сўмни ҳужжатларни расмийлаштириш учун деб алдаб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатгани, бирор-бир қурилиш ташкилотига ишламаслигини, айбини тушуниб етгани, қилмишидан пушаймонлигини, тергов жараёнида жабрланувчи Л.Хамраевага 500.000 сўм пулларни тўлагани ва қолган 3.850.000 сўмлик моддий зарарни тергов органининг депозит ҳисоб рақамига топшириб, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Юсуповнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Жабрланувчи Л.Хамраева, судда, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 94-уйда жойлашган “Абу Тойиба” соғломлаштириш марказида бир муддат ишлагани, 2023 йил февраль ойида ушбу соғломлаштириш марказига мижоз сифатида ўзини “Тимур” деб таништирган тергов жараёнида исми ва шарифини тўлиқ билган А.Юсупов билан танишгани, суҳбат жараёнида ўзини турмуш ўртоғининг иши тергов ва судда эканлигини ва ижарада яшаётгани, Тошкент шаҳридан уй-жой қилиши лозимлигини айтганида, у қурилиш ташкилотида ишлаши, отаси ҳам йирик қурилиш ташкилоти раҳбари экани ва йил сайин хайрия ишларини қилишини айтиб, унга ипотека кредити асосида уй-жой олиб беришига уни ишонториб, уч маротабада шу ойда 4.350.000 сўм пулларини олиб, уни алдаб келгани, кейинчалик билишча А.Юсупов бирор-бир қурилиш ташкилотида ишламаган эканлигини, тергов жараёнида унга 500.000 сўм пулларини қайтаргани ва тергов органининг



депозит ҳисоб рақамига 3.850.000 сўм қолдиқ пулларни зарар учун қўйилгани, ушбу пулларни унга қайтаришни ва А.Юсуповга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Юсуповнинг айби уларнинг иқрорлик кўрсатувларидан ташқари, ариза, билдирги, телеграмм ёзишмалари, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси, фото жадваллар, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси ҳамда ишида тўпланган бошқа асосли далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.Юсуповнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда яна шу турдаги фирибгарлик жиноятини содир қилиш йўлига кириб, жабрланувчи Л.Хамроевнинг 4.350.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жинойат ҳаракатлари Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича: “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида: “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55,56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Юсуповга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, ижтимоий аҳволи ва моддий шароити, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиб, ойлик иш ҳақининг бир қисмини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тергов жараёнида ушлаб турилган муддатини Жиноят кодекси 62-моддасига асосан тайинланган жазодан чегиришни лозим деб ҳисоблайди.



Суд, ҳукм қонуний кучга киргач, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига етказилган зарар учун тўланган 3.850.000 сўм пулларни жабрланувчи Л.Хамраевага қайтаришни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Юсупов Абдулла Хабибуллаевич (*Yusupov Abdulla Xabibullayevich*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 62-моддасига асосан А.Юсуповнинг ушлаб турилган 1 (бир) кун муддатининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш иши жазосининг 3 (уч) кунига тенглаштириб, чегирган ҳолда узил-кесил 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш иши жазоси ўташ учун қолдирилсин.

Тайинланган жазо Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи белгиланган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган ва жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар, Учтепа туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-А.Юсуповга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

-Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига етказилган зарар учун тўланган 3.850.000 сўм пуллар жабрланувчи Л.Хамраевага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи:

3.3.Ярашев



Ҳужжат имзоланган: Ярашев Завқиддин Зайниддинович, 04.08.2023

